

**«КЎРГАЗМАМИ,
КЎРСАТУВМИ,
КЎРСАТМАМИ»**

...суднинг «айбдор» деган қатъий ҳукми чиқмасдан туриб, шахсни «айбдор» деб аташ айбсизлик презумпциясига зид бўлган бўларди.

3-бет

**ОҚ ПАХТА
АТРОФИДАГИ
ҚОРА ИШЛАР**

Пахтадан келадиган даромад халқимиз манфаатларига хизмат қилмоғи лозим.

4-бет

ҚИЗИЛ
(Жеңил)
ИЗИДАН

Ҳар куни фарзандига, турмуш ўртоғига у-бу нарса олиб келадиган Абдулҳай уйга қайтмади.

6-бет

**«МЕН ҲАМИША
БИРИНЧИ БЎЛГАНМАН»**

ёхуд 90-йиллардаги энг машҳур фибрибгарнинг одиссеяси

7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

04
(319)

YURIDIK GAZETA

Yanvar					
D.	5	12	19	26	
S.	6	13	20	27	
Ch.	7	14	21	28	✓
P.	1	8	15	22	29
J.	2	9	16	23	30
Sh.	3	10	17	24	31
Ya.	4	11	18	25	
2004					

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: info@huquq.uz

OLIV MAJLISIDA

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Яқинда Олий Мажлисда «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунга риоя этилиши юзасидан парламент назорати доирасида Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида беморлар ҳуқуқларининг таъминланиши бўйича ўтказилган мониторинг якунига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Фуқароларнинг турли тоифаларига мансуб беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман номига тушаётган шикоятлар сони кейинги икки йил мобайнида анча кўпайган. Фақатгина ўтган йилда бу кўрсаткич 75 тани ташкил қилди. Бир қатор жиддий қонунбузилишлар прокурор назорати орқали бартараф этилди.

Йиғилишда мазкур вилоятларнинг шаҳар ва қишлоқларида аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, даволаш муассасаларидаги қонунбузилиш ҳолатлари ҳақида ҳам сўз борди. Масалан, Бўз туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда туман марказий шифохонасининг онколог врач Ш.Қосимов беморларга бепул тарқатиш учун ажратилган 201 минг сўмлик дори-дармонларни тумандаги 24-сонли дориҳона хизматчилари О.Исмоилова ва А.Шамсутдиновлар билан жиноий тил бириктирган ҳолда ўзлаштириб юборганилиги аниқланган.

Наманган шаҳаридаги 1-сонли туғруқхона бош шифокори шифохона омбор мудири билан жиноий тил бириктириб, моддий бойликларни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилиб келган.

Текшириш натижаларига кўра қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан прокурор таъсир чоралари қўлланилган, бир қатор мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилганлар.

Мажлисда бундан кейин ҳам соғлиқни сақлаш тизими доимий эътиборда бўлиб, юқоридаги қонун ижроси юзасидан прокуратура органларининг назорати янада кучайтирилиши таъкидланди.

Ю.МИРЗАЕВА,
Республика Бош прокуратурасининг бўлими прокурори

РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Республика Бош прокурори, 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Р.Қодиров раислик қилган йиғилишда «Сирдарё вилояти прокуратурасининг қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш борасидаги фаолиятини ялпи текшириш натижалари» ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Бош прокуратуранинг бошқарма бошлиғи А.Салихонинг ахбороти тингланди.

Чоршанбадан Чоршанбагача

23 январь
«Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.

24 январь
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатиши яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

26 январь
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайлов натижаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Республика Олий суди раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Олий суд раиси Ф.Муҳитдинов бошқарган ушбу йиғилишда 2003 йилдаги ишлар таҳлил этилди ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотларни янада чуқурлаштиришга оид масалалар муҳокама этилди.

2004 YIL — MEHR VA MURUVVAT YILI

Ўзбеклар — болажон халқ. Болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларни кўз қорачигидай асраб-авайлаш, фарзанд учун жонини ҳам беришга тайёр туриш халқимизга хос фазилат. Айниқса ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногирон болалар жамоатчилиги эътиборида бўлади. Колаверса, улар амалдаги қонунларимизга асосан давлат ҳимоясига олинган. Мамлакатимизда кўплаб махсус мактаб-интернатлар фаолият кўрсатаётгани, уларда таълим-тарбия олаётган болалар учун барча шароит яратиб берилгани фикримизнинг далилидир.

КЎМАККА МУҲТОЖ БОЛАЛАР

Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманидаги махсус мактаб-интернат ана шундай билим масканларидан бири. Унда 214 нафар кам қонли ва боқувчиси йўқ болалар тарбияланади. Ҳўш, бу ерда аҳвол қандай? Қиш кунлари болалар қийналиб қолмаётими? Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар қандай сарфланмоқда? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида туман прокуратураси томонидан умумий назорат тартибда текшириш ўтказилди.

Интернат биносини марказлаштирилган қозонхона орқали иситиш режалаштирилган. Бирок, қозонхона қиш мавсумига тайёр бўлмагани, яъни ишга яроқсизлиги сабабли мослаштирилган қозонхонадан фойдаланилмоқда. Лекин у ўқув биноларини, ётоқхоналарни етарли даражада иситиш имконига эга эмас. Интернатдаги 14 та синф-хона ва 11 та ётоқхонанинг ҳар бирига қўшимча чўян печкалар ўрнатилган бўлишига қарамай хоналар етарли даражада иситилмаётми. Бунинг устига қиш мавсуми учун 58,5 тонна ўрнига 41,8 тонна кўмир олинган, ҳолос. Текшириш натижасига кўра интернатни табиий газ билан таъминлаш ва иситиш тизимини молиялаштириш масаласини ҳал қилиш учун туман ҳокимига тақдимнома киритилди. Юқоридаги камчиликларга йўл қўйгани сабабли хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Ш.Раҳимовга нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш кўзгатилади.

Мактаб-интернат учун ажратилган бюджет маблағларининг сарфланishi борасида ҳам бир қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, туманда нақд пул тушуми режаси бажарилмаётгани боис мактаб маъмурияти ойлик маошларини вақтида олишолмапти. Шунинг-

дек, нафақа ва пенсиялар ҳам вақтида берилмаётми.

2003 йилда интернат биноларини капитал таъмирлаш учун давлат бюджетидан 3 млн. сўм маблағ ажратилган. Унинг 2 млн. сўми интернат томонидан бинолар томи тазмирлаш учун «Сабр» савдо ишлаб чиқариш фирмасига ўтказиб берилган. Фирма ишчилари эса 1,9 млн. сўмлик иш бажаришган, ҳолос, яъни томлар тўла таъмирдан чиқарилмаган. Оқибатда қиш бошланиши биланқ оётоқхона томонидан томчи ўтиб, деворлар захлай бошлади. Ҳолбуки, шартномага кўра, «Сабр» фирмаси ишни тўла бажариб берганидан сўнггина интернат раҳбарияти пул ўтказиб, ҳисоб-китоб қилиши лозим эди.

Интернат раҳбарияти Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида»ги низомга амал қилиб, капитал таъмирлаш ишлари учун тендер савдоси ўтказганида бундай аҳволнинг олди олинган бўларди.

Мактаб-интернатда санитария-гиена қоидаларига ҳам етарли алоҳида риоя қилинмапти. Болаларнинг саломатлиги учун зарур бўлган тиббий ағжомлар етишмайди. Масалан, тана ҳароратини ўлчовчи асбоб ҳар бир бола учун алоҳида бўлиши лозим. Лекин бу ерда ҳамма болалар учун фақат бир донагина термометр мавжуд

ҳолос. Бу аҳволда болалар ўртасида турли юқумли тери касалликлари тарқамайди деб ким кафолат беради? Бундай камчиликларни дори-дармон таъминотида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш қоидаларига ҳам риоя қилинмапти.

Мактаб-интернатда «Таълим тўғрисида»ги қонун талаблари ижроси қонқарли эмас. Ўқувчиларнинг дарсга қатнашиши, мураббийларнинг дарс жадвалига амал қилиши, меҳнат интизомининг



аҳволи ўрганилганда қатор нуқсонлар мавжудлиги аниқланди.

— Жорий йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди, — дейди туман прокурори Улуғбек Жўраев. — Халқимизга, миллатимизга хос бу фазилат эндиликда янада ҳаққолроқ намоён бўлади.

Махсус интернатда ўтказилган текшириш якунига кўра юқорида қайд этилган камчиликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида туман ҳокимига, туман молия ва халқ таълими бўлимларига тақдимномалар киритилди. Қонунбузилишларга йўл қўйган масъул шахслар, жумладан, директор П.Бозорова ва мактаб шифокори Ф.Қўлдошевга нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш кўзгатилади. Бундан буён мактаб-интернат тарбияланувчиларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, яхши билим ва таълим-тарбия олишлари учун барча шароитни яратиб беришга алоҳида аҳамият берилди.

Абдуқошим МАДАТОВ,
«HUQUQ» муҳбири

Суратда: Жалолқудуқ туман прокурори У. Жўраев интернат ўқитувчилари ва тарбияланувчилари билан суҳбатланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 10 январдаги «Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмига, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирилари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Республикада Қўрилган Кучлари жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, давлатимиз ва халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этишда мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатганлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун прокурор-тергов ходимларидан бир гуруҳи ҳам Ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси катта терговчиси Йўлдошев Расул Насимович «Жасорат», ушбу бошқарманинг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Курбонов Бобир Пўлатович «Шўхрат» медаллари билан тақдирландилар.

Қуйида ушбу терговчилар томонидан тергов қилинган кўп эпизодли, катта ҳажмдаги жиноят ишлари юзасидан тайёрланган мақолалар эълон қилинмоқда.

ОҚ ПАХТА АТРОФИДАГИ ҚОРА ИШЛАР

Табиатнинг мўъжаз бир неъматидан бўлган пахта йилнинг тўрт фаслида қилинган заҳматли меҳнатнинг меvasи эканлигини ҳар бир юртдошимиз яхши билади. Унинг меҳнати қанчалик машаққатли бўлса, ундан келади дарамад, унинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ҳам шунчалар аҳамиятлидир. Шу боис, пахтанинг «оқ олтин», «миллий бойлигимиз» деб аталishi бежизга эмас. Демак, ундан келади дарамад ҳам халқимиз, миллатимиз манфаатларига хизмат қилмоғи лозим. Аммо зиммасига ўзбек пахта толасини экспорт қилишдек масъулиятли ва муҳим вазифа ишончи топширилган айрим ташкилот раҳбарлари ўзларига юклатилган бу вазифаларни бажариш чоғида жамият равиши, эл-юрт манфаати каби муқаддас туйғуларни унутиб, турли суистеъмолликларга йўл қўймоқдалар.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг «Ўзмарказимпекс» давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси бошқаруви раиси лавозимида ишлаган Баҳодир Аҳмедовни ана шундай кимсалар сафига қўйиш мумкин. 1998 йил 27 апрелда «Ўзмарказимпекс» компанияси билан Хитой Халқ Республикасининг Синдзянь Хорвоғи ташқи савдо компанияси ўртасида ўзбек пахта толасини экспорт қилиш тўғрисида шартнома имзоланган. Пахта толаси Хитойга ўз вақтида етказиб берилган бўлсада, харидор томон шартнома шартларини кўпол тарзда бузиб, тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган. Оқибатда, 1998 йил 24 ноябрь кунига «Ўзмарказимпекс» компаниясидан 1 млн. 10 минг АҚШ доллари миқдорига қарздорлик вужудга келиб, Ўзбекистон давлати миқдорда зарар етказилган. Хитойлик «ҳамкор»нинг шартнома шартларини кўпол тарзда бузишига «Ўзмарказимпекс»нинг жавоби тариқасида 1998 йил 24 ноябрь кунги компания бошқаруви раисининг ўринбасари М.Абдуллаевнинг имзоси билан «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмасига хат йўлланиб, пахта толаси жўнатишни тўхтатиш сўралган. Балки ушбу хат ўз кунда турганида мамлакатимиз манфаатларига жуда катта миқдорда моддий зарар етказилишининг олди олинган бўлар эди. Бирок...

Б.Аҳмедов 1998 йил 1 декабрда «Ўзпахтасаноатсотиш»

уюшмасига хат билан мурожаат қилиб, сотилган толарлар учун «Ўзмарказимпекс» ҳисоб рақамига 660 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ тушганлигини билдириб, пахта толаси жўнатишни давом эттиришни сўраган. Ваҳоланки, бу пайтга қадар ҳам хитойлик «ҳамкорлар» олган пахта толаси учун тўловни тўлиқ амалга оширмаган, компаниянинг «Ўзмарказимпекс» олдидаги қарзи 1 млн. 27 минг АҚШ долларини ташкил қилар эди.

Хуллас, Б.Аҳмедовнинг «хотамтойлиги» натижасида экспорт қилинган пахта толарини учун 1 млн. 100 минг АҚШ доллари миқдорига маблағлар Хитой компанияси томонидан асоссиз равишда тўлаб берилмаганлиги натижасида давлатимизнинг иқтисодий манфаатларига жуда катта миқдорда зарар етказилган.

Б.Аҳмедов давлатга етказилган зарарни ундириш чораларини кўриш ўрнига, ўзбек пахта толасини экспорт қилиш бўйича тузилган шартномага Ўзбекистон давлати манфаатларига наф келтирмаслиги аён бўлган 1999 йил 27 июндаги 6-сонли қўшимчани киритиш ва имзолаб, «Ўзмарказимпекс» компаниясини янада танг аҳволга солиб қўйган. Яъни, 6-сонли қўшимчага кўра, экспорт шартномасининг 10-банди ўз кучини йўқотиб, низоларни кўриб чиқувчи Ливерпуль халқаро ҳакамлик суди Пекинда халқаро савдонини ривожлантиришга ҳамкорлик кўрсатиш Хитой комитети ҳузуридаги Хитой халқаро иқтисодий ва савдо ҳакамлик судига ўзгартирилган. Натижада, «Ўзмарказимпекс» компаниясининг 1 млн. 100 минг АҚШ долларини Хитой компаниясидан ундириш ҳақидаги даъво аризаси 2001 йил 24 май кунги Хитой ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилиб, даъвони тўлиқ рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган. Натижада, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига 1 млн. 100 минг АҚШ доллари миқдорига зарар етказилган.

Б.Аҳмедов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Австрия давлатининг «Форте» фирмаси билан пахта толаси етказиб берилиш тўғрисида 1998 йил 19 ноябрдаги шартномани имзолаган. Ваҳоланки, бошқарув раисига бу фирманинг ишончли ҳамкор эмаслиги, 1998 йил 28 январь кунги имзоланган шартнома бўйича «Форте» фирмаси-

Ўзбекистон аграр соҳага ихтисослашган мамлакат. Соҳада пахтачилик асосий ўринни эгаллайди. Четга экспорт қилинадиган умумий товарларимизнинг ҳам катта қисмини пахта ташкил этади. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, республикада бу йил 2,8 млн. тонна пахта хомашёси етиштирилди. Хомашёдан ўртача 1 млн. тонна тола тайёрланиб, қарий 75-80 фоизи чет элга экспорт қилинади. Экспортдан тушадиган валюта юртимиз иқтисо-

дини юксалтиришга, халқимиз фаровонлигини оширишга сарфланади.

Охириги ўн йилларда кўп соҳада бўлгани каби пахтачиликда ҳам катта ўзгаришлар қилинди. Ерга эгаллик ҳисси вужудга келди. Барча пахтага ихтисослашган корхоналарда мулк шакли ўзгартирилиб, бозор иқтисодиётига мос келадиган ҳиссадорлик жамиятларига айлантилди. Эгаллик ҳисси, мулк шакли ўзгаргани яхши, албатта. Лекин пахтакорлар — чигит эккан деҳқон, қаҳратонда сув кечиб ерга суя тараётган сувчи, қўллари мовга ботиб, очик майдонда тракторини таъмирлаётган тракторчи меҳнатидан баҳраманд бўлаётими? Ахир улар ҳам бири икки бўлишини, фаровон яшашни орзу қилади. Аммо уларнинг орзу-ниятларини ўйламай, ҳалол топган ризжларини қийиб, ўз манфа-

нинг 1 млн. 339 минг АҚШ доллари миқдорига қарзи борлиги жуда яхши маълум эди. Натижада, «Форте» фирмаси янги имзоланган шартнома бўйича ҳам ҳар хил баҳоналарни рўқач қилиб, 683 минг АҚШ долларини тўлашдан асоссиз бош тортиб, бу маблағлар ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-тарож қилинган. Бундан ташқари, «Форте» фирмаси билан 1998 йил 28 январда имзоланган шартнома бўйича юборилган 215 тонна пахта толасининг 54,6 минг АҚШ доллари миқдоригаги маблағлари «тола портда сақланмоқда» деган баҳона билан 2003 йилнинг апрель ойига қадар ундирилмаган...

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан «Ўзмарказимпекс» бошқаруви раиси Б.Аҳмедовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айблов эълон қилиниб, қамқоқ олинди ва жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

Б. КУРБОНОВ,
Республика Бош прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси, адлия маслаҳатчиси

ИҚТИСОДИЙ

атлари йўлида халқимиз бойлигига кўз олайтираётган нопок кимсалар ҳам ураб турибди. Энг ачинарлиси, уларнинг шахсий бойлик орттириш йўлида содир этаётган жиноятлари оқибатида пахтачилик соҳасида фидойилик билан меҳнат қилаётган заҳматкаш деҳқонларимиз манфаатлари оёқ ости қилинган.

Халқимизда шундай мақол бор: «Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда хозир». Топиб айтилган гап. Афсуски пахтага алоқадор бўлган «Ўзмаҳаллийтаъминотсотиш» акциядорлик жамияти, вилоятлардаги «Маҳаллий саноат» акциядорлик компаниялари ва уларга аъзо корхоналар теширилганда худди юқорида айтганимиздек «хирмонда хозир» бўлган, тонна-тонна пахтани чет элга ноқонунли сотиб юборган жиноий гуруҳлар аниқланди. Шу йўналишда олиб борилган тергов давомида соҳа фаолияти чўқур текширилди. Келинг, гапни чувалатмасдан мақо-

Юқорида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ўрганилганда эса тармоқда маркетинг тадқиқотлар, хусусан ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, чет эл инвестициясини жалб қилиш ва қўша корхоналар тузиши, янги маҳсулот турини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, янги ишчи ўринларини яратиш ҳамда экспортни рағбатлантириш масалалари умуман муҳокама қилинмаганлиги, ўз йўлига ташлаб қўйилганлиги аниқланди. Гарчи статистик ҳисоботларда маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ошганга ўхшаб кўринса-да, бу ўсиш нарх-навоининг кўтарилиши ҳисобига юз берди. Аслида эса компаниянинг мамлакатимизда саноат маҳсулотлари (0,5%) ва халқ истеъмолчи моллари (0,8%) ишлаб чиқаришдаги салмоғи жуда пастлигига қўлиб кетди. Ҳатто «Маҳаллий саноат» тизими корхоналари 52-57 фоиз қувватда ишлаётганлиги, тармоқда фаолият

ЎЗИНГДАН

ламизни бу гуруҳнинг дастлабки фаолиятидан бошлайлик.

Хуллас, 1997 йилда «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси базисида «Ўзмаҳаллийтаъминотсотиш» акциядорлик жамияти ва вилоятларда «Маҳаллий саноат» акциядорлик компаниялари ташкил этилди. Қайта ташкил этилган бу тизим маҳаллий саноат корхоналарида юқори сифатли ва истеъмолталаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, янги ишчи ўринларини яратиши республикада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ичида маҳаллий саноат корхоналари салмоғини ошириши лозим эди. Бунинг учун «Ўзмаҳаллийтаъминотсотиш» акциядорлик жамияти ва вилоятларда «Маҳаллий саноат» акциядорлик компанияларига ҳуқуқимиз қарорлари билан қатор имтиёзлар яратиб берилган эди.

юритаётган корхоналарнинг деярли 75-80 фоизининг рентабеллиги кўрсаткичлари жуда пастлиги маълум бўлди. Таҳлилларга асосан охириги уч йил мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми асосан «тыфная вата» ҳисобидан бажарилагани аниқланиб, бу маҳсулот фақат экспортга чиқарилганлиги маълум бўлди. Шу ўринда ҳақиқат савол туғилади: нега энди энг паст пахта толасини пахта чиккиндиларини аралаштириш ҳисобига чиқарилган «тыфная вата» маҳсулотига чет элга талаб кучайиб, уни ишлаб чиқариш суръатлари кескин ошиб кетди? Тергов давомида бунинг сири фож этилди.

Ҳаётимизда пахтадан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан жуда кенг фойдаланамиз. Кийимимиздан тортиб, кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларига ҳам пахтадан оли-



Суратда: Бобир Курбонов ва Расул Йўлдошев ҳаммасилари билан.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ТЎСИҚ ҚЎЙИЛМОҚДА

нишни яхши биламиз. Айнан жойларда «Маҳаллий sanoat» корхоналарига ички бозоримизни кўрпа-ёстиқ, фуфайка, махсус кийимлар, чайшаб, пайпок, матрас ва халат каби махсулотлар билан таъминлаш вазифаси юклатилган эди. Бунинг учун бу корхоналарга 5-навли пахта толаси ва пахта чқиндиларини олишга имконият яратилди. Ҳатто бу корхоналарни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқараётган махсулотларини эркин валютада эмас, балки сўмга хорижга сотишга рухсат берилди. Афсуски айрим виждонсиз шахслар маҳаллий саноат корхоналарига берилган бу имкониятлардан гаразли мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланишди. «Тюфячная вата» никоби остида юқори навли пахта толлари ширкат хорижга ноқонуний сота бошлагани.

Жумладан, 2002 йил декабрь ойда «Восточная мануфактура» қўшма корхонаси раҳбари А. Ги-

Жумладан, «Бешариқ» темирўл станциясида Қўқондаги «Ҳақ гули» кичик корхонасига тегишли бўлган ва ҳужжатларда «тюфячная вата» деб расмийлаштирилган контейнерлар очиб кўрилганда, уларда 45 тонна 1-2-навли пахта толаси борлиги, корхона раҳбари И. Исқандаров, ҳисобчиси Р.Ҳожимуродов ва 15-Қўқон божхона пости катта нозир Д.Усмонов ўзаро келишиб, «тюфячная вата» никоби остида толани Россиянинг Иваново шаҳридаги «Интернейшнл Коммодито Трейдинг» масъулияти чекланган жамиятига жўнатмоқчи бўлганлари аниқланди. Бундан ташқари, «Шаҳобиддин» фирмаси номидан Россиядаги «ЗАО хлопковая база» корхонасига жўнатилинган 3 та вагондаги «тюфячная вата» текширилганда, вагонларга қиймати 154 480 АҚШ доллари бўлган 135 тонна 1-2-навли пахта толаси юклангани аниқланди.

Шу ўринда савол туғилади: жи-

ри раҳбарлари ҳўжалик раҳбарлари билан ўзаро келишиб, юқори навли пахтани паст навада қабул қилиб олишган ёки топширилмаган пахтани кўшиб ёзишган. Масалан, «Косонсой пахта толаси» ҳиссадорлик жамияти раиси Р. Мамажонов, тарозибонлар А.Ҳайитов, М. Жўраев ва бошқалар 2002 йил пахта йигим-терими даврида ширкат ҳўжаликларига 1545 тонна пахтани кўшиб ёзиб, бунинг эвазига 27 млн. 592 минг сўмини пора сифатида олганлар. «Богдод» пахта тозалаш жамияти раиси Р. Қаюмов, тарозибонлар В. Орипов, А. Тошбоев ва бошқалар ҳам ширкат ҳўжаликларига 1232 тонна пахтани кўшиб ёзиб, бунинг эвазига 52 млн. 356 минг сўмини пора сифатида олганлар. Камомаднинг беркитиш учун юқори навли пахта хомашесини паст наваларда қабул қилиб ҳамда тола олиш меъёрларини суъий пасайтириб, шу орқали ишлаб чиқаришда ортиқча юқори навли тола олишга эриш-



Республика Бош прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи Р. Пулатов ходимлари билан тезкор йиғилиш ўтказмоқда

ўрнига ортиқча ҳосил қилинган 85 тонна 1-навли пахта толасини бериб юборишган. Ушбу 120 тонна

сиз жазо берилишига эришилди ва содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлиги таъминлан-

ЧИҚҚАН БАЛОГА...

гиенов Тошкент вилоятидаги «Мустақиллик» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раҳбари С. Раҳмонқулوف ва бошқалар билан келишиб, 30 тонна 1-2-навли пахта толасини ҳужжатларда 5-нав деб сохталаштирган ҳолда талон-тарож қилиб, кейинчалик бу толани линт билан аралаштириб «тюфячная вата» никоби остида Россияга сотмоқчи бўлганда қўлга олинган. Мазкур жиноят ишини тергов қилиш давомида шунга ўхшаш жиноятлар қўл бўлиши тахмин қилиниб, Республика Бош прокуратураси раҳбариятининг ташаббуси билан барча вилоятлардаги «Маҳаллий sanoat» корхоналаридаги ва темир ўйл юкхоналари ҳамда вагонларда жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган «тюфячная вата» махсулотларни текширилган. Биринчи кунларданок олинган натижалар ҳар қандай кишини эсанкиратиб қўядиган даражада эди.

ноятчиларнинг қўлига қандай қилиб юқори навли пахта толалари тушиб қолган? Аниқланишича, бундай бўлишига «Пахта sanoat» корхоналаридаги масъул ходимларнинг «саҳий хизматлари» сабаб бўлган экан. Терговда ушланган пахта толаси қайси заводларда ишлаб чиқарилганини аниқлаш ва толани талон-тарож қилишни фош этиш вазифаси белгиланди.

Физикада шундай бир атам бор: «занжир реакцияси». «Занжир реакцияси»да жараён бутун занжир бўйлаб давом этса, бу жиноятлар ҳам бутун бир тармоқни, яъни пахта даласидан то «ўзмаҳаллийтаъминототиш» акциядорлик жамиятигача бўлган нуқталарни қамраб олган экан.

Бу айнан даладан келтирилган пахтани пахта тозалаш заводларига топширишдан бошланган. Йигим-терим мавсумида пахта тозалаш акциядорлик жамиятла-

ганлар. Ҳўжалик раҳбарларига эса бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Улар қандай йўл билан бўлмасин режани бажаришга бўлгани.

Кейинчалик кўшиб ёзилган пахтадан олиниши лозим бўлган пахта толасининг қамомадини ёпиш мақсадида жамият раҳбарлари «Маҳаллий sanoat» корхоналари раҳбарлари билан жиноий тил бириктириб, расмий ҳужжатларда талаб қилинган 5-навли пахта толаси ўрнига ортиқча ҳосил қилинган 1-2-навли толани бериш, Бағдод туманидаги «Богдод» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бошқарув раиси Р.Қаюмов ва тола товаршуноси А.Марайимовлар Фуқрат туманидаги «Камоло ФО» фирмаси директори М.Азизов билан жиноий тил бириктириб, расмий ҳужжатларда талаб қилинган 120 тонна линт ва 130 тонна 5-навли пахта толаси

линтни эса 5-навли тола сифатида омонда сақлаб келишган. «Косонсой пахта толаси» ҳиссадорлик жамияти раиси Р. Мамажонов ҳам ортиқча ҳосил қилинган 200 тонна юқори навли пахта толасини ҳужжатларда 5-нав деб кўрсатиб, «Маҳаллий sanoat» корхоналарига бериб юборган.

Жами бўлиб фақат шу жиноят ишининг тергов давомида 1200 тоннадан зиёд умумий нархи 1,5 млн. АҚШ долларидан кўп бўлган, «тюфячная вата» никоби остида хорижга жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган юқори навли пахта толалари ушлаб қолинди.

Республика Бош прокуратураси ва жойлардаги прокуратура ходимларининг тезкор-тергов ҳаракатлари давомида бу турдаги жиноятларни йиллар давомида содир этиб келган уюшган жиноий гуруҳлар фош этилиб, уларнинг барчасига суд томонидан муно-

ди. Жиноят қанчалик усталлик билан содир этилганлиги ва пухталик билан яширилишидан қатъий назар, у барибир фош этилиши ҳамда муносиб жазоланиши ана бир қарра ўз ибобтини топди.

Хулоса ўрнида нима дейиш мумкин? Буюк келажак куриш орзусидаги миллат ўз йўлида дуч келган ҳар қандай тўсиққа, қолаверса, ана шу мақсадга эришишга ҳалақат бераётган иллатларнинг ҳар қандай қўрилишига мурокасиз бўлмоғи лозим. Аксинча, орзу орзулигича қолаверади. Зеро, ватан манфаатини ҳар нарсадан устун билган миллатни ана шу буюк келажакка муносибона

Расул ЙЎЛДОШЕВ,
Республика Бош прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси катта терговчиси

Аллоҳ ўзи яратган мавжудотлар орасида фақат инсонгина онг, ақли раво қўрди. Ақли киши қилаётган ҳар бир хатти-ҳаракатини мулоҳаза галвиридан ўтказиб, кингир ишга қўл урмайди. Бироқ, баъзан... тўғрироғи, мўмай даромад топиш илижида ақли, тулпа-тузақ одам ҳам жиноятга қўл ураётгани сезмай қоларкан.

Холбобо Ражабов Шахрисабз туманидаги «Илгор» хусусий ишлаб чиқариш ва савдо корхонасида 1994 йилдан буён бошлиқ лавозимида ишлайди. Ҳалол меҳнат уни элга танитди.

Бир йигитга ато этилган бахт унинг ҳам толеғига ёзилган эди. Лекин кейинги пайтда мўмай даромад Х.Ражабовни ўйламай қадам босишга ўргатди. Ишлари юришиб, чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик қила бошлади. Шу билан бирга қонун билан ҳам ҳисобшанмай қўйди.

«Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади», деганларича бор экан. «Тюфячная вата» нима-ю, биринчи навли тола нима? Бунинг фарқига ҳамма боравермайди-ку», у ўзинча келгуси «операция»ни режалаштириarkan шулар ҳақида ўйлайди. Мазкур корхона асосан ичкимаши паст навли пахта толаларини қайта ишлаш ҳамда трикотаж махсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. «Илгор» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган пахта

момигининг 70-80 фоизи чет давлатга сотилади. Ҳар гал юбориладиган юкнинг божхона ҳужжатлари қонуний расмийлаштириллади.

«Бир марта қонунга хилоф иш қилсам осмон узилиб ерга тушмас», деб ўзинча ўйлаган Х.Ражабов таваккал қилиб ишга киришди. Туркия давлатида фаолият кўрсатаётган АҚШнинг «STENFORD TRADING LLC» компанияси билан Холбо-

НАФСОНИЯТ БЕКАТИ

бо Ражабов бошчилик қилаётган «Илгор» хусусий фирмаси ўртасида 2002 йил 27 сентябрь кунги биржа орқали 01133-сонли шартнома тузилган. Мазкур шартномага асосан «Илгор» фирмаси 2001 йилги пахта ҳосилдан ҳар бир тоннаси 280 минг сўмдан 100 тонна — 28 миллион сўмлик, 2002 йил пахта ҳосилдан ҳар бир тоннаси 340 минг сўмдан 139,8 тонна — 47 миллион 532 минг сўмлик «тюфячная вата», ҳар бир тоннаси 280 минг сўмдан бўлган 23 тонна 6 миллион 440 минг сўмлик «вата прима» махсулоти етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Ишлар рисоладагидек, 2002 йил 17 декабрь кунги туркиялик Аксай Метин «VOLVO» русумли 47K5 901 давлат ра-

қамли автомашинаси билан товарга келди.

Шартномада кўрсатилган махсулот ўрнига биринчи навли, 5-тип пахта толаси, биринчи нав 5-тип паст навли пахта чқиндисини юкланди. Божхона декларацияси ҳужжатларига эса сохта маълумотлар киритилди.

2002 йил 17 декабрь эрталаб соат 9 лар чамаси. Фирма омонбохонаси ҳовли-

бунақаси кетмайди. Чумқудан қўрққан тариқ экмайди.

Фирма бошлиғи бир зумда шахрисабзлик божхоначи ҳамюртлари кўзини шамғалат қилди. Экспертиза учун олинган пахта махсулоти намуналари халтачаларини алмаштириб қўйди.

Қашқадарё вилоятидаги божхона постларидан бемалол ўтиб келган «VOLVO» юк машинасига ортилган махсулотга тегишли ҳужжатлар Олот божхона пости ходимларида шубҳа ўйотди.

Қонунни алдаб, унга чап бермоқчи бўлган Х.Ражабов мансаб-мавқенини суистеъмол қилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, саноат учун зарур бўлган 13 миллион 336 минг 601 сўмлик товар-моддий қимматликларни мамлакат божхона чегара ҳудудидан олиб чқикмоқчи бўлган вақтда қонуннинг темир панжасига илинди.

Донишмандлар айтганидек, нафс йўлига тушган кимсаннинг манзили нафсоният бекати бўлади. Фирма бошлиғи умумманфаати, юрт равнақини ўйлагани балки бугунгидек музтар бўлиб ўтирмасди. Ҳалол меҳнатдан топиладиган даромад завқини ҳам, кингир йўл билан орттирилган бойлик надоматини ҳам Холбобо Ражабов чуқур англаб етган бўлса ажаб эмас. Зотан, қўлга тушган хас, кўзини очади, дейишадди-ку.

Завқиддин ЖўРАЕВ,
Бухоро вилоят прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи

